

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ

Коллеж-техникумлар ва олийгоҳларни иш берувчилар билан узвий боғлайдиган тизим яратилмоқда

Юрт тараққиёти юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, соғлом, теран тафаккурли, рақобатбардош кадрларга боғлиқ, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўқитишнинг барча бўғини каби олий таълимни ҳам тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг илгор давлатлари тажрибасига назар ташланса, ҳамма соҳа етук кадрларни тайёрлаш орқали ривожлантирилганини кўриш мумкин. Сингапур, Хитой, Финляндия, Франция, Германия, АКШ, Малайзия, Япония сингари давлатларнинг иқтисодий ва маданий равнақи буни яққол кўрсатади.

Мушоҳада

Тараққиёт тезлашгани сари жадал ислохотлар билан тенгма-тенг кадам ташлайдиган, замонга мос илгор фикрлайдиган кадрларга эҳтиёж ҳам ортади. Шу сабабли, кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш, замонавий кадрлар тайёрлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида 5 февраль кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида профессионал ва олий таълимдаги масалалар хусусида алоҳида тахассис ўтилди. Профессионал ва олий таълимдаги айрим йўналишлар ҳозирги меҳнат бозорига, технологик янгиланишларга мос эмаслиги, иш берувчиларда катта эҳтиёж, талабаларда салоҳият ва ҳоҳиш борлиги, лекин уларни боғлайдиган узвий тизим йўқлигига алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, ўқитиш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу борада талабалар билимини мустахкамлаш, уларга йўналиши бўйича соҳага оид кўникмаларни шакллантириш, албатта, самара беради. Шу маънода, таълим сифатини ошириш, ўқитиш жараёнида назария ва амалиётни уйғунлаштириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш мақсадида университетлар ва sanoat корхоналари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Мақсад эса ягона — ишлаб чиқариш соҳасига малакали ҳамда профессионал кадрларни етказиб бериш.

Соҳадаги ўзгаришлар таълимнинг барча босқичини камраб олган ҳолда амалга оширилади. Олий ўқув юртлари фаолиятини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия, илм-фанни яхши ўзлаштирган ва интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлаш йўлида барча имконият ишга солинмоқда.

Замон шиддатига мос илгор кадрлар тайёрлаш таълим мазмунининг фан ва ишлаб чиқариш талабларига мос келиши кераклигини таъкид этади. Шу жиҳатдан, бу борада эндиликда профессионал ва олий таълимда касбий кўникмаларни белгилаш, уларни баҳолаш бўйича янги тизим жорий қилинади. Талаб юқори бўлган 100 та касб стандартлари Германия, Швейцария ва Буюк Британия тажрибаси асосида янгиланади. Бунда малака талаби иш берувчи эҳтиёжига мослашади. Профессионал таълим устозларига янги стандартлар бўйича ўқитиш талаблари қўйилади.

Аниқроғи, янги ўқув йилидан бошлаб, техникумларда ўқитиш “академик” ва “ишчи



касб” компонентларининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилади. Яъни коллеж-техникумнинг 1 ва 2-курсларидаги таълим дастурлари, дарсликлар, билимини баҳолаш меzonлари ва муаллимларга талабалар олий ўқув юртлари билан бир хил бўлади. Шу билан бирга, техникумларда “кредит тизими” жорий қилиниб, фанни ўзлаштириш бўйича тўпланган “кредитлар” олийгоҳларда тан олинади. Яъни коллеж-техникумда икки йил давомида етарли “кредит” тўплаган ўқувчилар “2+2” ёки “2+3” дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсларида таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Йигит-қизлар орасида ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этаётганлари жуда кўп. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка мутожларни ҳам йўқ эмас. Ёшларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш борасида айрим камчиликлар кузатилаётгани ҳам бор гап.

Бир пайтлар ёшларни касб-хунарга ўқитишда меҳнат бозори талаблари деярли ҳисобга олинмасди. Олийгоҳни ёки коллеж, техникумни тамомлаган қанчадан-қанча йигит-қизлар иш топишда муаммага дуч келди. Чунки у яшайдиган ҳудудда битирувчининг эғаллаган касби, мутахассислиги бўйича касбга зарурат бўлмаган. Эндиликда касбга талаб иш берувчи эҳтиёжга мослашади. Бу орқали минглаб иш ўрни яратилади, шунга яраша иш берувчининг талабларига мос равишда малакали кадрлар тайёрланади.

Бошқача айтганда, коллеж-техникумлар ва олийгоҳларни иш берувчилар билан узвий боғлайдиган тизим яратилди. Бу — ёшларимиз учун шароит ва имкониятлар янада кенгайди, дегани.

Дунё тажрибасида иш берувчи ва ходим ўртасидаги боғлиқлик, ўзаро ҳамкорлик доимий равишда натижа бериб келган. Хусусан, Японияда иш берувчи ва ходим ўртаси-

даги муносабатлар япон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу жараён ўзаро оилавий муносабатларга ўхшайди, яъни содиқлик эъзизга ҳимоя ва молиявий, ижтимоий мажбуриятлар таъминланади. Энг муҳими, янги ходим ёшига, корхона-ташкilotда ўтаган амалиётига қараб ишга олинади. Ходим компаниянинг барча амалиётини пухта ўрганиб, ушбу жараёнда қатнашиб, етарли тажриба орттиради. Компаниянинг таъсирчан механизми ахлоқий кўникмалар орқали шакллантирилади ва ходим бутун умр корхонага меҳр қўяди. Янги ходим ўз вазифасини тўлиқ бажариши учун компаниянинг ёзилмаган қоидаларини ўрганиши керак.

Шу маънода, япон компанияларидаги иш ҳақи тизими малака даражасига асосланади. Малакаларни баҳолаш тизимида иккита пиллапоё мавжуд бўлиб, бири касбга, иккинчиси даражага қўра белгиланади. Ходим бир вақтнинг ўзида фақат битта даражага кўтарилиши мумкин. Ҳар қандай мартаба учун минимал вақт ва тажриба мавжуд. Бундан ташқари, ходимнинг малака даражаси ҳар доим тўланиши ва ўсиб бориши керак, деб ҳисоблайди япон мутахассислари.

Яна бир муҳим жиҳати, йирик япон компаниялари ишга олишнинг асосий стратегияси юқори сифатли, тажрибасиз ўрта мактаб битирувчиларини пастки даражадаги лавозимларга олишни маъқул кўради. Битирувчилар умумий билими учун ишга олинади. Кейин сезиларли даражада мослаштирилади. Бу ҳам компаниянинг захира кадрларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, таълим жараёнида амалиёт тушунчаси долзарблигини йўқотмайди. Ёш кадрлар орасидан эса саралаш имкони туғилади.

Айтмоқчимизки, ёшлар — тараққиёт таянчи. Лекин бу мақсадга эришиш учун, аввало, уларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига жиддий диққат қаратиш лозим. Ёшлар учун яратилаётган имкониятлар эса уларнинг касбий кўникмасини янада мустахкамлаш, бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқни ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг нафар ёш кириб келаётган бўлса, келгуси ўн йилда бу рақам 1 миллионга етади. Шу боис ёшларга сифатли таълим бериш, уларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашда янги босқич бошланаётгани кўзонарилади.

Бу ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича вертикал бошқарув тизими яратилди. Маҳаллаларга фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали навқирон авлодга қўллаб-қувватлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Бу борадаги чора-тадбирлар 7 та йўналишда амалга ошириляпти. Утган йили давлатнинг алоҳида эътиборига мутож 396 минг нафар ёшга мутасадди раҳбарлар масъул этилиб, улар билан индивидуал ишлаш орқали 331 мингнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашилди. Жумладан, 94 минг нафарининг бандлиги

таъминланди, 56 минги касб-хунарларга ўқитилди. “Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етди, муносабатларни кўриб чиқиш муддати эса 30 кундан 5 кунгача қисқарди. Утган йили ёшлар етакчилари тавсияси билан 338 минг нафар йигит-қизга 444 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, талабаларнинг шартнома маблағлари тўланди, хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қўллаб берилди. Ишсиз ёшларга меҳнат қуроллари ажратилди. Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” амалга оширилиб, ўтган йилда 236 минг нафар ишсиз йигит-қиз ва 189 минг нафар мактаб битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Лекин бу борада долзарб масалалар ҳали ҳам кўп. Бугунги кунда юртимизда 722 минг нафар расман ишсиз ёш бор. Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 дан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшнинг ижтимоий аҳоли, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, “маҳалладан вазирликкача” тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинган.

Маълумки, 2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Утган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхоналар фойдаланди ҳамда 100 минг йигит-қиз бандлиги таъминланди. Давлатимиз раҳбари бу ижобий тажриба муддатини яна икки йилга узайтириш бўйича кўрсатма берди.

Хуллас, бугун мамлакатимизда янги авлод кадрларини тайёрлаш иши жамиятнинг бугунги, келажакдаги талаб ва эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олинган ҳолда, янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнларига уйғун тарзда олиб борилмоқда. Зеро, таълимда назарий ва амалий билимлар уйғунлиги фақат ва фақат юртимиз равнақига хизмат қилади.

Бугунги кунда мактаб, коллеж, техникум ва олийгоҳларда билим олаётган, ўз шахсий ишини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, замонавий IT-технологиялари йўналишларига дадил кириб бораётган, катта оруз-умидлар билан яшаётган ўғил-қизларимиз — Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги, олтин захирасидир. Уларга қаратилаётган юксак эътибор туфайли “Янги Ўзбекистон бунёдкори бўламан!” — “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшаман!” деган, бугунги шиддатли замон талабига мос юксак мақсадли фарзандларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Дилшод ХОЛМАТОВ,
Наманган давлат университети проректори,
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

ҚАЛБЛАРНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРГАН ВАТАН МАДҲИ

Халқимизда “Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, деган мақол бежиз айтилмайди. Ушбу сўзлар замирида олам-олам мазмун ётди. Жумладан, нега улкан бир юртинг подшоҳи бўлишига қарамай Бобур Мирзо бир умр она юрт соғинчи билан яшди, жонажон Ватанидан кўнгил узолмади?! Чунки Ватан, она тупроқ туйғуси қонимизда оқади, жонимизга туташ.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мудофаа ҳамда Маданият вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган “Ватан манзумаси” адабий-маърифий тадбирида ана шу улғу туйғу тараннум этилди.

Дастур аввалида таширф буюрганлар зал фойёсида Ватан йўлида жон фидолик қилган ҳарбийлар суратлари ҳамда адабий-бадиий китоблар кўргазмаси билан танишди.

Давлатимиз мадҳияси қалбларга шуқуқ, фохр-ифтихор бахш этди.

Адабий-маърифий кечада умидли ёш ижодкорлар, таниқли шоирлар Ватанни мадҳ этувчи шеърларни ўқиди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшларнинг ўзбек адабиёти номояндalarининг она юрт тараннум этилган шеърларини ифодали тарзда ўқиб бериши ҳам даврага ўзгача шуқуқ бағишлади. Хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар хотираси ёдга олинди. Истеъдодли ва халқимиз таниган санъат-

корлар юракка етиб борадиган кўшиқларни ижро этди.

Айниқса, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ашула ва рақс ансамбллари-нинг дастурлари барчага манзур бўлди. Қисқача айтганда, юртимиздаги тинчлик ва тотувликни, аҳилликни асраб-авайлаш наинки ҳарбий соҳа вакиллари, балки барча юртдошларимизнинг муқаддас бурчи эканлиги ранг-баранг чиқишлар асосида намойиш этилди.

Эътиборлиси, мана шундай адабий-маърифий кечалар бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилиши кўзда тутилган. Зеро, Ватан мадҳини, манзумасини дилларга жо айлаш нақадар ёқимли ва ҳузурбахш ишдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: ЯНА 2 ТА БЕКАТ ИШГА ТУШДИ

Тошкент метрополитени ер усти халқа йўлининг иккинчи босқичи доирасидаги “Турон” ва “Қипчоқ” бекатлари йўловчилар учун хизмат кўрсатишни бошлади.



Мазкур бекатларнинг ишга туширилиши билан ер усти халқа метро линияси Сергели йўналиши билан боғланади. Натижада Тошкент метрополите-

ни йўналишлар тармоғининг умумий узунлиги 71 километрга етди. Метрополитен бекатлари сони эса 50 тани ташкил этмоқда.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Олий судда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчиси Жоффри Ижумба билан учрашув бўлиб ўтди.

Олий суд раисининг ўринбосари Х. Тўрақўжаев учрашувда оилаларни мустахкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва бандлигини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш борасида юртимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, томонлар ҳамкорликда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2024-2025 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида фикр алмашди.

АГРАР ТАРМОҚ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэксспомарказ” марказий кўргазмалар мажмуида “Агросаноат — AgroWorld Uzbekistan — 2024” 19-халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Мамлакатимиз кишлoқ ҳўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиш имкониятини берадиган ушбу кўргазмада Ўзбекистон, Австрия, Бела-

русь Республикаси, Бельгия, Германия, Грузия, Дания, Исроил, Хиндистон, Эрон, Испания каби мамлакатлардан юзлаб компаниялар иштирок этмоқда.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Самарқандда “Авиценна Ватанида: эски дўстлар ўртасида янги кўприқ қуриш йўлида” мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникаси ва Ўмон минимал инвазив жарроҳлар гуруҳи томонидан уюштирилган мазкур тадбирда минимал инвазив жарроҳ-

лик амалиётларини кенг қўллаш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланиш, врачларнинг билим ва малакасини ошириш, бу борадаги халқаро тажриба ҳақида сўз юритилди.

«Халқ сўзи».



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ГЕРМАНИЯЛИКЛАР НИГОҲИДА

Берлин шаҳрида уюштирилган “ITB — 2024” халқаро кўргазма доирасида “Ўзбекистон дунё сайёҳларини қорлайди” мавзусида тадбир ўтказилди.

Мамлакатимиз дипломатик ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси билан биргаликда Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмагида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, йирик туристик компаниялар ва фирмалар, шунингдек, туризм соҳасини ёритишга ихтисослаштирилган ОАВ вакиллари қатнашди.

Биз ва жаҳон

жий сайёҳлар, туристик компаниялар ва инвесторлар учун яратилган имкониятлар тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, у Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, уни сақлаш ва дунё сайёҳларига намойиш этиш бўйича тизимли ишлар

ҳақида ҳам тўхталди. Ўзбекистон ва Германия туристик фирмалари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, айниқса, мамлакатимизда мавжуд янги туризм йўналишлари бўйича биргаликда ишлаш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, тадбир доирасида Наманган вилояти ҳокимлиги вакиллари томонидан “Аксикент археологик боғи” китоби ва ушбу мажмуанинг тақдими ўтказилди.

Тадбир давомида ўзбекистонлик сайёҳлик фирмалари вакиллари германиялик шериклари билан

вақтдан буён ўзбекистонлик дўстларимиз билан биргаликда мамлакат иқтисодийотини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиб келамиз ва лойиҳалар орқали турли соҳаларни қўллаб-қувватлаймиз. Агар Ўзбекистон ривожига, оғзина бўлса-да, ҳисса қўша олсак, бундан фақат мамнун бўламиз.

Катрин ТИЕРФЕЛЬД, Германиянинг «Stiftung Handwerk stiftet Zukunft» халқаро ҳамкорлик уюшмаси раиси:

— Бугунги тадбирда иштирок этаётганимдан мамнунман, чунки янги ҳамкорлар топдик ва улар билан Германия ҳамда Ўзбекистон ўртасида касб-хунарга ўқитиш соҳасида алоқаларни бошлашга келишиб олдик.

Биз АКШ, Мўғулистон, Словения каби қўллаб-қувватлаб билан биргаликда ишлаймиз. Ўзбекистон билан ишлаш эса доим орузимиз бўлган. Бу каби тадбирлар бизга ўзбек маданиятини яқиндан таништиришга хизмат қилади. Менга, айниқса, ўзбек миллий қўй-қўшиқлари жуда ёқди. Албатта, бу ҳақда дўстларим ва яқинларимга сўзлаб бераман.

Мирко НОВАК, «LUNO» компанияси раиси:

— Бугун “ITB — 2024” халқаро ярмаркасида Ўзбекистон стендида таширф буюрдим, сайёҳлик компания ва фирмалари мамлакатингизнинг бой туристик салоҳиятини муваффақиятли на-



Халқимиз ардоғидаги НАВРЎЗ

Асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг бу улуг айёми собиқ иттифоқ даврида ҳар томонлама таъна-маломатларга дучор этилди. Унга “эскилик сарқити” тамғаси ёпиштирилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида мен газетада ишлар эдим.

— Юқоридан топириқ бўлди, — деди кунлардан бирида бош муҳаррир ҳаммамизни йиғиб. — Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби мажлис қилиб, барча оммавий ахборот воситалари, радио-телевидение, газета-журналларга Наврўз байрами ҳақида бирор нарса эълон қилмаслик тўғрисида кўрсатма берди. Материал берилган тақдирда ҳам уни Наврўз эмас, Навбаҳор деб аташ бўйича топириқ бор...

Ватанимиз мустақилликка эришгунга қадар Наврўз диний байрам, қолоқлик белгиси, деган ғаразли мақсадлар билан қатагон қилинди, таққиланиб келинди.

Шукри, бу дилхиралликларнинг ҳаммаси бугун чириган ҳазонлар каби ўтмишда қолди, тарихга сингиб кетди. Халқимиз табиатнинг уйғониши, ҳамал кириши, йил боши, яъни янги куннинг бошланиши сифатида Наврўз байрамиди катта хурсандчилик билан нишонламоқда. Ушбу айёмда турли кўнгилочар ўйинлар, кўпқари ва сайилларнинг ўтказилиши унинг қувончини, шукҳунини янада оширади.

Кейинги йилларда Наврўз янгича мазмун билан бўлиб бормоқда. Унинг ифори юртимизнинг ҳар бир гўшасида одамлар



кайфиятида, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, хайр-саховат тадбирларида намоён бўлади.

Қорақалпоғистонда бу йил ҳам Наврўз байрами ғоят кўтаринки кайфиятда, баланд руҳда нишонланмоқда. Шаҳару қишлоқларда, овулларда унинг шукҳи кезиб юрибди. Хонадонларда сумалақлар, кўксомсалар тайёрланмоқда. Дастурхонлар ўртасини бугдой ёки арпадан ундирилган майса безаб турибди. Бугдой, арпа, ловия, мош, гуруч, жўҳори, нўхат сингари дуккаки доллардан гўжа тайёрланиб, кўни-қўшчиларга тарқатилмоқда.

Умар Хайём ўзининг “Наврўзнама” аса-рида: “Хар кишики, Наврўз байрамиди вақтихушликда ўтказса, келгуси йил бошига қадаҳ унинг ҳаёти шоду хуррамлик билан ўтади”, деб ёзади. Дарҳақиқат, бу йилги Наврўзимизнинг кўтаринки руҳи йилимизнинг янада баракали, хайрли бўлишидан дарак бераётгандек.

Наврўз — халқимизнинг бағрикенглиги, саховатпешалиги, марду майдонлиги, меҳрибонлигини намоён этадиган миллий байрамимиз. Бу кунда қизлар, келинчақлар, кексаю ёш энг чиройли либосларини кийишади, ширин-ширин таомлар тайёрлашиб, кўни-қўшниси тарқатишади, бир-бирларига эҳсонлар қилишади. Наврўз кўни ёмонлар — яхши, хасислар — сахий, кўрсизлар — чиройли, гўзаллар янада гўзаллашиб кетгандай бўлади.

Наврўзни озодлик ва эркинлик кўни, деса ҳам бўлади. Чунки ўша кўни ҳамма там-ташвишлар унут, кўнгил кундалик ташвиш ва ғуборлардан озод бўлади. Ғам-қайғулар унутилади. Одоб-сизлик, ўрик, зўрлик, ўтирик-ўқсикликка чек қўйилади.

Наврўз — азалдан тинчлик кўни. Бу кунда ўпка-гиналарга барҳам берилган. Ҳатто мамлакатлар ўртасидаги уруш-жанжаллар тўхтатилган. Қайси миллат вақили бўлишига қарамасдан, ҳар бир киши бир-бирига меҳр-муруват кўрсатади, байрамда қатнашиб, ўз хунарини, иқтидорини томоша-бинларча намойиш этади.

Бугун Наврўз миллий қадриятларимиз қаторида расмий равишда нишонланаётганига, миллий байрам сифатида қадр топганига қувонамиз. У ҳаётиимиздан, турмуш тарзимиздан мустақкам ўрин олганига шукр қиламиз.

Бугун эркин ва озод халқ ҳар қандай хайрли ишларни амалга оширадиган замон келди. Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида халқ билан учрашиб, уларни рағбатлантириши, янги мақсад-режалар сари бошлаши, Орол денгизининг суви қуриган сатҳидаги улкан сажрони ўрмонзорга айлантириш мақсадида бошлаган сай-ҳаракати, Мўйноқдаги бунёдкорликлар, шаҳар ва овулларнинг қайтадан ободонлаштириши, чирой очилиши ҳаммада эртанги кунга умид уйғотди. Шу боис Наврўз байрами арафасида ҳар бир киши ўзи яшаб турган хонадонини янада кўркамлштириб, гулу гулзорларга буркашга ҳаракат қилмоқда, маҳалласини, Ватанимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Беморлар ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилмоқда. Сайилгоҳларда миллий таомлар пиширилиб, турли томошалар, кўпқари, полвонлар кураши, миллий мусобақалар ўтказилмоқда. Келин туширув, бешик тўйи, тетапоя бўлган гўдакларнинг оёғини ечиш, суннат тўйи ва бошқа маросимлар ташкил этилмоқда.

Ҳамал — янги кун, уйғониш фасли халқимизга кут-барака, дастурхонига тўқинлик, мўл ризки-рўз олиб келиши аниқ. Дарҳақиқат, бу йилги Наврўз ҳам хуш келсин, халқимизнинг барча орзу-мақсадлари рўёбга чиқиб, муваффақиятлари бардавом бўлсин!

Жолдасбай НУРУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

АЁЛ —

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ ТИМСОЛИ

ИШБИЛАРМОНЛАР САФИДА ЭКАНИМДАН ҚУВОНАМАН

Президентимиз нутқини тинглаб, ўзим учун муҳим бўлган режаларни белгиллаб олдим. Чунки унда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш хусусида гап борган.



Бундай эътибор ва ғамхўрликлар туфайли 2019 йилда “Тўлан фойз” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган эдим. Ўшанда менга “Аёл бошингиз билан қийналиб қоласиз-ку” дегувчилар ҳам бўлди. Аммо бундай гаплар мени бу йўлдан қайтара олмади. Чунки юртимизда ишбилармон аёлларга яратилаётган имтиёз ва енгилликлардан яхши хабардорман.

Ҳозирги кунда корхонамизда 50 дан зиёд ишчилар самарали меҳнат қилиб келаётир,

бир ойда 60 турдан иборат 60 минг дона бош кийим ишлаб чиқарилади. Махсулотимиз сифатли, бежирим, айнақса, табиий хомашёдан тайёрланганлиги боис харидор-гир. Шу сабабли 2023 йилда Россия, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонга экспортни амалга оширдик. Келгуси режаларимиз катта. Қўшимча технологияларни ўрнатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, махсулот турини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасида истикболли лойиҳалар ишлаб чиққанмиз. Нутқда айтилганидек, сўнгги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тadbиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Ана шундай фидойи ва жонқуяр, ўз ишининг устаси бўлган аёллар сафида эканимдан жуда қувонаман.

Ферузахон АБДУҒОҒУРОВА,
Булоқбоши туманидаги «Тўлан фойз»
масъулияти чекланган жамияти директори.
Андижон вилояти

МАЪРИФАТЛИ ОНА — ОИЛА БАХТИ

Ватанимиз тараққиётида, жамият ривожиди хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораёти. Айнақса, улар ҳаётиимизнинг барча жабҳасида фаол иштирокчи айланимоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилани мустақкам ушлаб туриш, келажак авлодда бенуксон тарбиялаш бевосита оналаримизга боғлиқ эканлиги барчамизга аён. Шундай экан, биз аввало, маънан етук, ақлан соғлом, фикратио сийратиди дадиллик уфуриб турадиган, қатъиятли ва сабр-матонатли қизларимизни тарбия қилмоғимиз лозим. Муҳими, айна йўналишдаги ҳаётбахш ислохотлар туфайли миллий қадриятларимиз жаҳон андозалари даражасида такомил-

лашиб бораётир. Бугун табаррук ёшда бўлсам-да, қадрдон жамоам — Фаргона давлат университетида илмий фаолиятини рағбатлантириш, оилада, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига эришмоқдамиз. Чунки маърифатли аёл нафақат оила, балки жамиятнинг ҳам бахтидир.

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидида қайд этилганидек, қизларимиз ўртасида замо-

навий билим ва касб-хунарларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Масалан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизи, яъни қарийб ярмини қизлар ташкил этади. Алоҳида таъкид шуки, кейинги йилларда юртимизда илм-фан ва таълим, хусусан, олий таълим соҳаси ислоҳ этилиб, жаҳон стандартларига мослаштирилётгани сабабли бу йўналишда катта натижаларга эришилмоқда.

Биз аёллар билим ва тажрибаларимизни ёш авлодга ўргатиш йўлида астойдил меҳнат қилишдан асло чарчамаймиз. Зеро, фарзандлар тарбиясида кекса авлод вақилларнинг ўрни нихоятда катта.

Тургуной ЭГАМБЕРДИЕВА,
Фаргона давлат университети профессори,
«Меҳнат шукрати» ордени совриндори.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Ёшлик — ғайрат ва шижоат фасли. Креатив фикрлар, дунёвий кашфиётларга асос бўлувчи аланга учқунлари инсоннинг айнан шу фақлида тугён уради, жилвакор мавжланади. Ёшлик қудратини яратувчилик томон буриш, тўғри йўналтириш, қизиқишларини сайқаллаш ҳаммаша долзарб масала.

Маҳорат дарслари

Ёшларнинг маънавий дунёқараши теранлиги, маданий юксаклиги юрт ривожидида халқ қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Маданият вазирилик иқтидорли ва ижодкор йигит-қизларни кашф этишда янги йўлдан бормоқда. Яъни жорий йилнинг январидан маданият вазирилик биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон халқ артисти, санъат арбоби даражасидаги экспертлар гуруҳлари шакллантирилиб, ҳар бир вилоят, туман, шаҳар марказларидан тортиб, энг чекка қишлоқларга ёш иқтидорларни кашф

этиш бўйича сафарлар уюштирилмоқда. Мақсад — аънавий хонандлик, эстрада хонандлиги, қолғу ижрочилиги сингари ўндан ортиқ йўналишларда ўз интилишларини синаб кўрмоқчи бўлган истеъдодли ёшларни туманлар, сўнг шаҳарлар ва вилоятлар, республика босқичларида саралаш.

Шундай қилиб таъбир жоиз бўлса, қайиқлар дарёларга эмас, дарёлар қайиқлар томон яқинлашди, келажак уммонига кўзларини тиккан интилувчан ёшлар оппоқ орзули оқ кемаларда ёруғ манзиллар томон суздилар.

Дастлабки босқичларда 500 дан зиёд иштирокчилар ўз истеъдодларини намойиш этган бўлса, уларнинг 200 нафари республика босқичига чиқди. Улар яна сараланиб, 74 нафари экспертлар гуруҳлари аъзолари бўлиш санъат арбоби ёки халқ артистларига “Устоз — шоғирд” аънаси бўйича бириктирилди. Яъни ёш иқтидорларга соҳа сирларини ўрганишдек ҳазинага эшик очиб берилди.

Келгусида Маданият вазирилик раҳбарияти кўмағида айнан шу истеъдодлардан “Ижодкор ёшлар ансамбли” тузиш, иқтидорларнинг маънавиятини ошириш, юртимизда бўладиган нуфузли миллий байрамларда, халқ сайилларида, хорижий ўлкаларда уюштирилаётган “Ўзбекистон маданияти кўнлари”да уларнинг муносиб иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Дарвоқе, сараланганлар ўртасида маҳорат дарслари ўтказиш бошлаб юборилди. Яқинда Ўзбекистон халқ артистлари Абдухашим Исмоилов ва Абдулаҳад Абдурашидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурахмон Холтожиев масъул этиб белгиланган 15 нафар ижодкор аънавий қолғу ижрочилиги йўналишида дастлабки маҳорат сабоқлари олиди. Мазкур жараён “Маданият ва маърифат” телеканалда намойиш қилинди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элмурод Исмолов гуруҳидаги 40 нафар доирачи ҳам бундай дарс сирларидан воқиф бўлишди. Бу иқтидорларнинг ҳам ихролари яқин кунларда телеканалда намойиш қилинади.

Фаррух ИЮСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик бўлим бошлиғи.



ПАРАЛИМПИАДА ЧЎҚҚИСИНИ ЗАБТ ЭТМОҚЧИМАН

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган кишилар учун катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Бундай эътибор туфайли мен ҳам спортда ўз ўрнимни топдим. Ғолиблик шохсўпасига кўтарилдим.

Давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимда “Болаларимизни билимли ва ақлли, оқни қорадан ажрата оладиган, эл-юртимизга содиқ, ҳаёли ва ибодли, мустақкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилайлик” деган сўзларини эшитиб, нихоятда тўққилландим.

Ўзим 2015 йилда илк маротаба Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақада пара юриш спорт тури бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлгандим. Лекин бу натижадан кўнглим тўлмади. Шу боис дадамдан мени Ўзбекистон пара енгил атлетика терма жамоаси бош мураббийи Сардор Абдухаликовнинг ёнига олиб боришини илтимос қилдим.

Сардор Абдухаликов мен билан сўхбатлашиб, “Агар шу шижоатингни бўшаширтмасанг, албатта чемпион бўласан” деганди. Устозим аздамаган экан, 2016 йилдан буюн мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги кўпжа мусобақаларда пара енгил атлетиканинг узунликка сакраш тури бўйича иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаб келяпман.

Жумладан, “Токио — 2020” ёзги Паралимпия ўйинларининг кумуш, “Ханчжоу — 2022” Пара Осиё ўйинларининг олтин медалини кўлга киритдим. Ўтган йилги Париж шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионида ғолиб бўлдим. 2023 йилда Осиё китъасининг “Энг яхши аёл пара атлети” дея эътироф этилдим.

Мен учун 2021 йилда Японияда ўтказилган “Токио — 2020” ёзги Паралимпия ўйинлари катта аҳамиятга эга. Бу мусобақада юртимизга олтин медал билан қайтишни жуда истаган эдим. Яқинда кумуш медал соҳибасига айланганман. Бу ҳам яхши натижа, лекин менинг қалбимда “албатта, Паралимпия чемпиони бўлишни керак” деган мақсад ўрнашиб қолган. Ана шу мақсад, хоҳиш машғулотларда менга янада куч, шижоат бағишлайди.

Насиб этса, келгуси Паралимпияда мусобақаларида ғолиб бўлиб, албатта, юртимиз байроғини баланд кўтараман.

Асила МИРЗАЁРОВА,
«Токио-2020» ёзги Паралимпия ўйинларининг
кумуш медали соҳибаси.
Қорши шаҳри

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатга маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик нашрдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 21.30

Топширилди — 00.05

1 2 3 4 5 6